

**Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг бакалавриатига
МДХ мамлакатлари фуқароларини қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва
унинг натижаларини белгилаш тўғрисидаги
МУВАҚҚАТ ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Муваққат йўриқнома Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг бакалавриатига МДХ мамлакатлари фуқароларини қабул қилиш учун суҳбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш тартибини ўз ичига олган.

1. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг бакалавриатига МДХ мамлакатлари фуқароларини қабул қилиш учун суҳбат (бундан буён матнда суҳбат деб юритилади) қуйидагиларни аниқлаш нуқтаи назаридан ўтказилади.:

муружаат этувчининг дунёқараши (ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган асосий ва муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан умумий хабардорлиги);

касбий иштиёқи ва ўқишга кириш сабаблари (танланаётган касбининг моҳияти ва мазмуни, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, ушбу касбнинг қийинчиликлари тўғрисида тасаввурга эгаллик, ушбу касбни танлашга ундаган сабаблар);

умумий интеллектуал даражаси (ўз фикрини аниқ-равшан, мантикий ва ижодий баён қила олиш ҳамда ўз фикрини асослантира олиш қобилияти);

маънавий-ахлоқий даражаси (қатъий маънавий-ахлоқий принципларга эга бўлиш, мулоқот этикаси ва ташқи кўриниш маданиятига риоя этиши).

2. Суҳбат ОТМ ректорининг буйруғи билан тузиладиган Махсус комиссия (бундан буён матнда Махсус комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиаллик, ошқоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Махсус комиссия таркибига ОТМ ходимлари билан бир қаторда бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

Махсус комиссияга раис бошчилик қилади ва ОТМ ректори лавозими бўйича Махсус комиссия раиси ҳисобланади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий жихатдан таъминлаш унинг котибига юкланади.

3. Суҳбат жорий йил август ойининг 2-10 саналарида ўтказилади.

4. Суҳбат ОТМда таълим бериладиган тилда ўтказилади.

5. Суҳбатнинг ушбу тартибга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилиши учун масъулият тегишли ўқув йили учун тузиладиган ОТМ Қабул комиссияси масъул котибига юкланади.

2. Сухбат ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. ОТМ Махсус комиссиясининг сухбат ўтказиш бўйича иш режаси ОТМ ректори томонидан тасдиқланади.

7. Махсус комиссиясининг сухбатни ташкил этишдаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

сухбат жараёнининг адолатли ўтказилишини таъминлаш;

сухбат ўтказиш билан боғлиқ зарур шароитларни яратиш;

ОТМга ўқишга кириш ва унда таълим олиш, шунингдек ОТМда яратилган шароитлар ҳақида хорижий фуқароларга ахборотлар ва маълумотномалар тақдим этиш;

хорижий фуқароларга сухбатнинг натижалари ҳақида маълумот тақдим этиш.

8. Бинолар ва аудиторияларни сухбат ўтказиш учун тайёрлаш масъулияти ОТМнинг қабул бўйича масъул котибнинг ўринбосари зиммасига юкланади.

9. Сухбат ўтказиладиган бинода сухбат ўтказиш жараёни учун зарур бўлган техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилиши лозим. Бинолар ва аудиториялар санитария ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

10. Сухбат саволларини тузиш учун эксперт гуруҳи ташкил этилади. Эксперт гуруҳи тегишли соҳанинг малакали мутахассислари орасидан шакллантирилади. Эксперт гуруҳи фаолиятига Қабул комиссияси раиси раҳбарлик қилади.

11. Саволларни тузишда қуйидаги талабларга алоҳида эътибор қаратилади: саволлар лўнда, оддий ва равоң тилда баён этилиши ҳамда таҳлилий фикрлаш қобилиятини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;

саволлар ўрта махсус ва касб-хунар таълими даражасига мос бўлиши лозим;

саволларда фойдаланилган тушунчалар ва атамаларнинг турлича изоҳланишига йўл қўйилмаслиги талаб этилади;

саволлар орфографик, стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри шакллантирилган бўлиши керак.

12. Тузиладиган саволларнинг сифати ва мазмуни бўйича масъулият эксперт гуруҳи аъзоларига юкланади.

13. Сухбат ўтказиш учун саволлар Қабул комиссияси раисига топширилган вақтдан бошлаб эксперт гуруҳи ўз фаолиятини тугатади. Тузилган саволлар билетларни шакллантириш учун топширилгунга қадар Қабул комиссияси раисида сақланади.

14. Тузилган саволлар сухбат ўтказилишидан бир кун олдин сухбат билетларини шакллантириш учун Қабул комиссиянинг масъул котибга топширилади. Ҳар бир билет тўртта саволдан иборат бўлади.

3. Сухбат ўтказиш ва унинг натижаларини белгилаш

15. МДХ мамлакатлари фуқароларини сухбатдан ўтиши мажбурий ҳисобланади.
16. Сухбат ўтказиш жадвали масъул котибнинг тақдимномасига биноан ОТМ ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Сухбатдан ўтувчи хорижий фуқароларнинг рўйхати буйруққа илова қилинади.
17. Сухбат, койда тариқасида, ОТМ биноларида ўтказилади.
18. Хорижий фуқаролар сухбат ўтказиш учун бинога тегишли навбат бўйича олиб кирилади.
19. Хорижий фуқаро томонидан сухбатга китоб, дафтар, ёрдамчи восита, мобил телефон ва бошқа алоқа воситаларининг олиб кирилиши ва улардан фойдаланилиши қатъиян тақиқланади.
20. Хорижий фуқаро аудиторияга Махсус комиссия котиби томонидан таклиф этилади.
21. Сухбатда қатнашиш учун хорижий фуқаро паспорт асосида киритилади.
22. Сухбат ўтказишда хорижий фуқаро саволлар берилган билетни танлайди.
23. Билет олинганидан сўнг хорижий фуқарога сухбатга тайёрланиш учун 30 дақиқа ажратилади. Бунда хорижий фуқаро сухбатга тайёрланиш учун қоғоз варақлардан фойдаланиши мумкин. Қоғоз варақлар билан таъминлаш Махсус комиссия зиммасига юкланади.
24. Сухбатдан ўтиш жараёнида МДХ мамлакатлари фуқароларига билет мазмуни бўйича қўшимча саволлар берилиши мумкин. Битта хорижий фуқаро билан сухбат 20 минутгача давом этади.
25. Сухбат натижалари баллар қўйиш йўли билан 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу йўриқноманинг 1-илоvasида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича балларнинг энг юқори миқдори 25 баллни ташкил этади.
26. МДХ мамлакатлари фуқаролари жадвал бўйича сухбатга келмаган ҳолларда 0 балл қўйилади.
27. Сухбат натижаларини белгилаш учун Махсус комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда мазкур йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган шаклдаги баҳолаш варағини тўлдириб, уни имзолайди ҳамда Махсус комиссиянинг котибига топширади. Махсус комиссиянинг котиби Махсус комиссия аъзолари томонидан хорижий фуқарога қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.
28. Хорижий фуқаро 55 ва ундан юқори балл тўплаганда сухбатдан ўтган ҳисобланади.
29. Сухбатдан ўтган хорижий фуқаролар рўйхати улар томонидан тўпланган баллар асосида рейтинг тизимига мувофиқ аниқланади.

30. Сухбат жараёни ва натижалари Махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва ОТМ ректори томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

Сухбат жараёни ва натижаларини қайд этиш учун видео ва аудиоёзув қўлланиши мумкин. Бундай ҳолларда видео ва аудиоёзув 24 соат ичида Махсус комиссия раисига тақдим этилади.

31. ОТМ бакалавриятига МДХ мамлакатлари фуқароларини қабул қилиш учун сухбатни қайта ўтказиш тақиқланади.

32. Сухбат натижалари шикоят қилиниши ва апелляция тартибида қўрилиши мумкин эмас.

33. Сухбат натижалари 15 августга қадар ОТМнинг бакалавриятига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш Давлат комиссиясига юборилади.

4. Махсус комиссия таркиби

Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг бакалавриятига МДХ мамлакатлари фуқароларини қабул қилиш учун ташкил этиладиган 7 кишидан иборат Махсус комиссия таркибига қўйидагилар киритилади:

1. Ректор
2. Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи (*котиб*)
3. ОТМ Қабул комиссиясининг маъсул котиби
4. Махсус комиссия аъзолари (4 киши)

Махсус комиссия аъзолари сифатида сухбат ўтказиладиган йўналишлар бўйича ОТМ кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари ва мутасадди ходимлари киритилади.

5. Яқуний қоидалар

34. Мазкур йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

(ОТМ номи)
МДХ мамлакатлари фуқароларини суҳбат жавобларини
БАҲОЛАШ БАРАҒИ

Сана _____

(Хорижий фуқаронинг Ф.И.Ш.)

(фуқаролиги)

(таълим йўналиши)

№	Баҳолаш мезонлари	Баллар <i>(тах. 100)</i>
1.	Дунёқараши <i>(ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган асосий ва муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий эсараёнлардан умумий хабардорлиги) (тах. 25 балл)</i>	
2.	Касбий иштиёқи ва ўқишга кириш сабаблари <i>(танланаётган касбининг моҳияти ва мазмуни, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, ушбу касбнинг қийинчиликлари тўғрисида тасаввурга эгаллик, ушбу касбни танлашга ундаган сабаблар) (тах. 25 балл)</i>	
3.	Умумий интеллектуал даражаси <i>(ўз фикрини аниқ-равшан, мантиқий ва ижодий баён қила олиши ҳамда ўз фикрини асослантира олиши қобилияти) (тах. 25 балл)</i>	
4.	Маънавий-ахлоқий даражаси <i>(қатъий маънавий-ахлоқий принципларга эга бўлиши, мулоқот этикаси ва ташқи кўриниши маданиятига риоя этиши) (тах. 25 балл)</i>	
Жами:		

Маҳсуе комиссия раиси:

_____ (Ф.И.Ш., лавозими)

_____ (Имзо)

Маҳсуе комиссия аъзоси:

_____ (Ф.И.Ш., лавозими)

_____ (Имзо)

_____ га
(ОТМ номи ва ректор Ф.И.Ш.)

_____ дан
(хорижий фукаронинг Ф.И.Ш.)

АРИЗА

Менга _____ таълим
(таълим йўналиши номи)
йўналиши, _____ тилида, кундузги ўқув шаклига ўқишга кириш
(Ўзбек, қорақалпоқ, рус)
учун ўтказиладиган суҳбатда қатнашишга руҳсат беришингизни сўрайман.

Маълумотим _____
(ўрта, ўрта махсус касб-хунар, олий) (тугатган таълим муассасаси номи)
_____ ни _____ йилда тугатганман.

Маълумотим ҳақидаги хужжат _____ серияси _____, рақами _____
(хужжат тури)

Туғилган вақтим ва жой: _____ йил _____
(йил) (кун) (ой) (туғилган жой)

Фуқаролигим _____
(фуқаролик паспорти бўйича кўрсатилади)

Доимий турар жойим: _____
(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй ва хонадон рақами тўлиқ кўрсатилади)

Ўзбекистондаги доимий турар жойим: _____
(мамлакат, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча, уй ва хонадон рақами тўлиқ кўрсатилади)

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эгаман/эга эмасман
(кераксизини ўчиринг) _____
(гувоҳнома серияси, рақами, ким томонидан ва қачон берилгани)

Паспорт: _____
(серия) (рақам) (ким томонидан ва қачон берилган)

_____ (хорижий фукаронинг Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

_____ (ариза топширилган сана)